

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари
Вазирлиги
Ўзбекистон давлат консерваторияси

С.Х.Мирходжаева

XX аср мусиқа шакли

Маъruzалар матни
(Бастакорлар мусиқашунослар ва нжрочилар учун)

Тошкент 2008

XX аср мусиқа санъати ривожининг асойи тамойиллари

1. Замонавий санъат шаклланишининг социал-тарихий контексти.

XX аср саанъат ривожида тубдан бурилиш ясади. Бундай бурилишнинг обеъктив сабаблари бўлиб, қуидаги тарихий ходисалар сабаб бўлди: жаҳон урушлари ва инқилобларининг энг қонли ва фожеали онлари: улар инсонни ёввойилик, варварлик тубига улоқтирди ва шу билан бирга инсониятни улугловчи, инсонни қадрлашни, келажакка ишончни уйштувчи қдлб (рух) ва фикрнинг юксалишига олиб келди. Бу давр диалектик қдрама — қаршиликларга бойдир: юксаклик ва тубанлик, қаҳр — ғазаб ва меҳр — шавқат, ўтмиш ва келажак, ўзлик ва ўзгалик УсАубларнинг кўпхиллиги санъат янги кўринишининг асоси бўлиб қолди ва унда бугунги куннинг бутун драматизми акс этди. «Гуманизмнинг қулаши» (А.Блок), прогресс ғоясига бўлган ишончсизлик санъатнинг янги шакллари ва мазмунларига олиб келди.

Авваламбор, мусиқа турли хил қатламларга бўлиниб кетди: жиддий — академик — замонни имкони борича рост ва аниқ акс эттиришга харакат қилувчи; кўнгил очар — (енгил субмаданият). Улар орасида эса профессионализмнинг регионал четланишлари бўлиб, улар жиддий жанрлардаги эмоционал — позитив бошланишдаги бўшлиқни тўлдириб турарди.

Биламизки кўпгина изланишларнинг янги йўналишлари антиромантизм байроги остида олиб борилгап.

Шуни таъкидлаш керакки, жиддий академик мусиқага бўлган қизиқиш камайиб бормоқда. Кўнгилочар санъат оммавий қизиқиши, унга нисбатан камроқ қизиқиши эса ижоднинг регионал кўринишлари уйғотаяпти.

Тиягловчи онгига жиддий замонавий композиторларнинг новаторлик язланишлари ўтган аср академик ижодиёти олдида

орқага тисланди. Тингловчининг эстетик талаблари бу изланишлар билан мос тушмади ва натижада кризис вазият юзаш келди.

Агар асрнинг биринчи ярмида омма истакларидан озод бўлган мустақиллик кайфияти устун бўлиб, ўзларининг хақ эканликларига бўлган ишонч келажакда тан олинишига бўлган умидлар билан сурорилганди. Асрнинг иккинчи ярмида эса бошқа тамойиллар ва шу билан бир вақтда маҳорат ва мазмундорлик даражасини пасайтирган ҳолда «тингловчига томон йўл» ни излашда акс этди.

2. Санъат янги муаммоларини ўрганишнинг эстетик-культурологик йўналиши

XX аср санъатининг ўзига хос томони шундаки, унда бир бутун усулнинг асоси йўқ.

Ижод қилувчи бир усулга асосланиб ўз усули тамойилларини қура олмайди. Шунинг учун мусикада новаторлик ёзувининг атоналлик, атематизм, номантиқлик каби тавсифлари жуда узок сақланиб келди. Бунинг натижасида мусиқий тил эски тизимини янгилашга бўлган харакат кўринмади.

Профессионал ёзувдаги бундай бурилиш тўтридир. Бу фалсафа ва мусиқий эстетикада олам ва санъатни билишнинг мумтоз назарияси ўз имкониятларини тугатди. Романтизм мумтоз логика асрслари билаки узилмаган ҳолда уни янгилаб, унинг имкониятларини ичидан кенгайтирди. Аммо XIX асрнинг охирига келиб, бу қудратли концепция янги концепцияга йўл бўшатиб беришга мажбур бўлди.

Буюк бурилиш даври албатта янги санъатнинг кўп сонли декларацияларини келтириб чиқарди. Улар ўтмиш билан алоқаларини узганликларини эътироф этдилар. Анъана_т канонга бўлган муносабат тескари томонга ўзгариб, бирламчи бўлиб эксперимент олдинга чиқади. Бу жараён XIX асрнинг охирги йилларида бошланиб: символизм, импрессионизм — улар янги

санъатнинг бошловчилари эди. Худди шу вақтда «санъатнинг ичини бўшатишдан бош тортиш», «бадиий матндан муаллифнинг интим муаммоларини олиб ташлаш» каби шиорлар олдинга чиқди.

Бадиий фикр ҳодиса ва хиссиётларни тавсифлашнинг хаёлий ёки эпик кўринишларига мурожаат қиласи. Ана шундай заминда хам фольклоризм, хам неоклассицизмнинг йўналишлари бўлган — необарокко, афсона ижодиёти, урбанизм, фовизм пайдо бўлади.

Мусиқий ёзувдаги бурилиш мусиқий воситалар ифода бўёқларини бошқатдан кўриб чиқиш йўлидан борарди.

Агар мумтоз матн асосини куй ва гармония ташкил этган бўлса, янги мусиқий тилда фактура, тембр, динамика, артикуляция ва агогиканинг роли кучайди. Мелос билан боғлиқ бўлмаган ритмнинг мустақил функцияси ўсиб боради. Бундай кдита кўриб чиқиш ладогармоник янгиликлар асосида бажарилиб, авваламбор, диссонансни, бўшатиш (раскрепогцать), гармониянинг ладлар товушқатори 12 тонлигини мажор — минорли марказлашган функционалликдан воз кечишдан бошланди. Мумтоз гармониянинг қурдатли ташкилий имкониятлари бошқа ташкилий факторларга жой бўшатиб беришга мажбур бўлди. Бунга ёзув техникарни мисол қилиш мумкин. Бу техникарнинг турли хил бўлишларига қарамай, уларнинг кесишиш нуқталари ва текис қутблашиш тизимлари сезилиб туради. Бу техникарнинг хаммасида интонацион — мелодик бошланиш ролининг камайишини таъкидлаш лозим. Унинг ўрнига фонизм ёки рационал ташкилотчилик ролининг ўсиши билан тўлдирилди. Ҳамма техникарни қарама — қаршилик кўринишида ифодалаш мумкин: сериялийлик — алеаторика, пуантилизм — сонористика, электрон — конкрет мусиқа, алгоритмик — стохастик мусиқа. Вазиятнинг қизикдиги (парадоксальность) шундаки, маълум бир техника тарафдорлари индивидуаллаштиришга интилишиб, амма индивидуал ягоналикка

эриша олмадилар. Бу мусиқани ташкил қилиш интонацион қатламини иккинчи даражага ўтказишдан келиб чиқади. Бутун кейинги мусиқа тарихи бу вазиятдан чиқиб кетиш йўлини излашга, мусиқий ифодавийлик бўёқларини кенгайтиришга олиб келди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Холопова В. Музыкальная форма. М, «Лань», 2000, XIII гл. с. 400-403
2. Лобанова М. Музикальный стиль и жанр. История и современность. М., 1990, с. 3-18
3. - Гончаренко С. Музикальные формы XX века. /метод. Разработка по курсу анализа. Новосибирск, 1989, с. 7-10
4. Когоутек Ц. Техника композиции в музыке XX века. М., 1976.

II. Мавзу. Мусиқий жанр ва усулнинг замонавий муаммолари. Лекция, XX аср жанрлари ^осил бўлиш тамойиллари.

Турли хил даврларда жанр мусиқа маъносини тушуниш учун йўлбошловчи бўлиб, тингланаётган асарни тўғри тушунишни таъминлаган. Бурилиш, классицизм қонуниятларининг инқирози даврида муаллиф томонидан олдига қўйган вазифаларини конкретлаштириши айниқса, қадрлидир. XX аср мусиқий асарларида жанрларнинг ўзаро аллокаси ахамиятли равища кенгайди.

Фикрлашнинг классик — романтик тизимидан воз кечиш бу йўналишларнинг жанрли концепциясидан хам воз кечишга олиб келди. Жанр ҳосил бўлишда аралаш жанр асосий тамойилга . айланди. Бунда турли жанрларнинг аралashiши ҳар хил бўлиб, уларнинг ҳосил бўлиши бир — биридан анча фарқ қиласади. Конкрет жанр белгиларидан воз кечиш сезиларли бўлиб, уларни жанрли —

нейтрал номланишлар билан алмаштирилди, Масалан: «мусиқа» га қўшимча тўлдиришлар ва аниқлашлар киритилди — « ... учун мусиқа», «аза учун мусиқа». Худди шу каби импровизация, каденция тушунчаларини хам келтириш мумкин. Уларнинг хаммаси дастурли бўлмаган холда асарнинг экспериментли характерини таъкидлайди. Бу ерда эксперимент ижро чилар гурухига, маълум бир усулга янги назар билан қарашда, бирлаштириб бўлмайдиган нарсаларни бирлаштиришда намоён бўлади.

Кўп ҳолларда бундай экспериментлар ўтказиш танланган жанрни усуллаштиришда ёки мавжуд жанр билан мунозарада намоён бўлади. Бу хусусда Л.Половкиннинг ижоди қизиқарлидир («24 та постлюдиялар», ноктюрнлар ор. 15).

Концерт — симфония, симфония —мақом, виолончел, баян ва камер оркестр учун партита, симфоник оркестр, 4 та электрогитара ва джаз — группа учун концерт каби жанрлар аралашмалари — одатда турли ғоялар, мадданиятнинг турли хил қатламларининг тўқнашуви сифатида намоён бўлади. Баъзи бир ҳолларда улар жанрлар синтезини яратишади: симфония — мемориал, аралашма (гибрид) ва бу гармоник натижага олиб келади.

XIX асрда жанрлилик (жанровость) асар матнида ўқиши (цитирование) ёки тимсолни умумлаштириш сифатида ишлатилган бўлса, XX асрга келиб у янги вазифаларни ўзлаштириди — жанрни соддалаштириш (утрирование), гротеск ва маънони бутунлай тескари равишда ўзгартериш. Тарихий хотира жанри хам пайдо бўлиб, кўп ҳолларда у кўп қатламли, жанрнинг узоқ тарихий ўтмишини очиб берувчи кўринишида эди.

Лекция, XX аср санъатида усду[^]концепцияси

Бутун аср давомида услу-б* муаммоларининг роли ўсиб борди. Мумтоз усулнинг универсаллигидан воз кечиб, композиторлар ўз

тажрибаларининг органикаси каби масалага тўқнаш келдилар. борада усул категориясининг аҳамияти кучаяди. Яъни иш тамойилини танлаш, касбнинг маълум қонунлари бўйича мусикд яратиш хақида гап бораяпти. Бу борада биринчилардан бўлиб ёрқин истеъдод эгаси И.Стравинскийни эслаш керак. Стравинский хар доим ўз касбининг устаси бўлишни ёқдаб, хис — туйғуларни кейинроққа сурарди. Бу ўз бадиий мақсадлари билан фарқланувчи кўпгина композиторларнинг иш услуби эди; Прокофьев, Шёнберг, Веберн, Пуленк ва бошқалар.

Ана шундай асосда усуллар плюрализми ва бегона, кўп холларда жуда тескари усуллар моделлари билан ишлаш юзага келди. Бунда албатта тарихий диалог: ўзимники — бегонаники бўлиши лозим эди. Бундан ташқари бундай усуллаштириш (стилизация) га тил ва жанр ҳам қўшиларди,

ХХ аср иккинчи ярмида жуда кенг тарқалган мусиқий фаолиятнинг қўпусуллиги (полистилистика) ривожланди.

Усул плюрализмини маданий ҳаётдан бир асарнинг матнига кўчириш. Матнда усуллар тўқнашуви аниқ бир драматургик ғоя бор вақтдагина бўлиши мумкин, акс ҳолда бу бемаъно эклектикага олиб келади. Кўпусуллилик одатда «усул ёрдамида умумлаштириш» нинг тимсолий воситасига айланади. Кўпусуллилик мусиқий асар мазмуни хақидаги тасаввурларни ўзгартиради. Мусик.а_г унинг тарихи, мусиқийликнинг қадр — қиммати ва мусиқийликнинг турли хил кўринишларининг бемаънолиги мазмунга баҳолаш ва културологик кўриниш беради (Шнитке).

Усул билан ишлашнинг навбатдаги босқичи — кдрама — қаршилик эмас, балки — турли хил жанрларни қўшишдан иборатдир. Улар аниқ бўлмаган хиссиётларни уйғотади, Символикани матнга киритиб, унга маъноли хажм кўринишини

беради 9мисол — Шостакович ижодининг охирги йиллари, Лигети ижоди).

XX аср — бу Европача бўлмаган миллий маданиятлар композиторлик ижод йўлларининг бошланиш асидир. Миллий ёзув меъёрларини ишлаб чиқишида янги миллий композиторлик мактаблари ўз бадиий тажрибаларигагина эмас, балки бошқа халқларнинг композиция санъати соҳасида эришган ютуқларига хам таянадилар. Бунда улар ўз рухлари ва миллий мусиқий маданиятлари интонацион рухига яқин бўлганларини танлаб оладилар. Бундай мактабларнинг ҳар бири композиция тили меъёрларини, гармония, полифония қонунларини, уларнинг миллий мусиқанинг ўзига хослигига кўра модификацияларини ўзлаштиришдан тортиб, то турли жанрларда ёзилган тўла қонли ва ривожланган асарларни яратишгacha бўлган йўлни босиб ўтадилар. Бу яратилган асарларда миллий, ўзига хос мавзуйлик ўз табиатига хос бўлган ривожланишга эга бўлиб, у мантиқли ва мазмунан ишонарли композиция кўринишини олгандир. Ва нихоят, тўпланган тажриба асосида миллий усулнинг индивидуал кўринишлари шаклланади. Бу босқичларнинг ҳаммасида мустақил маданиятларнинг ихтиёрий шаклдаги диалоглари бўлиши мумкин: уларнинг қўшилиши, синтезидан то усулларнинг диалоги ёки полилогигача ва жанрдан четга чиқмаган ҳолдан то олдига қўйилган мақсад таъсирида умумлаштириш ва трансформациягача.

Миллий маданиятдан четга чиқканда ҳам Европача бўлмаган тажрибадан фойдаланиш чегараланмагандир. Хусусан бу ҳол Европа мусиқасини миллий колоритни бошқатдан ташкил этмаган ҳолда мусиқий тил бўёқларининг кенгайиши ва янгиланишига олиб келди (О.Мессиан, джазнинг гармонияга таъсири, Г.Канчеллининг медитатив симфонизми).

Адабиётлар:

Лобанова М. Музикальны га стиль и жанр. М, 1990, с.125-152; 155-177.

III. Мавзу: Мусиқий шакллар типологияси ва ташкил "топиш тамойиллари

Бу ерда ҳам аср бошидан унинг иккинчи ярмига қадар ахамиятли ўзгаришлар кузатилади. Асрнинг биринчи ярми мусиқий шаклланишнинг ўзига хос томонлари қуидагича эди: шаклларнинг асосий турлари (композицион схемалар) анъанавий кўринишда сақланиб қолди, аммо кенгайтирилган ҳолда: мумтоз, романтик ва барокко. Янгилик эса ифода воситалари тизимида намоён бўлди ва бу шакл ташкил топиш механизмини ичидан ўзgartирди. Гармониянинг ўз шакл ташкил топиш позицияларини йўқотиши шакл мантиқи тушунтириш функцияларининг пасайишига олиб келди. Мелодик интонация ролининг пасайиши ҳам ахамиятлидир.

Лекция* Мавзуйликни ташкил этиш.

Тимсол характерини акс эттирувчи, туталланган ёки нисбатан туталланган мусиқий фикр сифатидаги мавзуйликнинг мумтоз таърифи анча қисқа кўринишга ўрин бўшатиб берди: у асарни репрезентация қилиб ривожланиш асосини ташкил қиласи. Янги шароитда материалнинг концентрацияси, унинг рельеф ва жарангнинг умумий шаклларига сатҳланиши ва умуман мусиқий матнни синтактик ташкил этиш муаммо бўлиб қолди.

Мавзуларнинг янги турлари пайдо бўлди: матндан синтактик ажратилмаган ва қайтариш хисобига секин — аста эшитиш ёрдамида аниқланадиган мавзулар. Мавзунинг бошқа тури — мотивли бўлиб, у мустақил фрагментлардан тузилгандир ва уларни кейинчалик алоҳида ўзgartирилади, интеграция қилинади ва хоказо. Кўп ҳолда мавзуйлик бир бутун комплекс сифатида тушунилиб, унда бош

ролни ихтиёрий элемент ўйнаши мумкин эди: гармония, фактура, тембр, ритм ёки уларнинг комплекси. Горизонтал ва вертикалнинг бирлиги кўпинча интервалнинг мавзуйлик ролига олиб келади.

Мавзуйликнинг янги сифати унинг кўпсатхли функционаллиги эди. Кўп композицияларда матнинг хар бир масштабли сатҳида ўзига хос мавзуйликнинг борлиги хақида сўз юритиш мумкин: бирлик (единица) сифатида мотивли микромавзуйлик, чўзилган мумтоз мавзуйлик, одатда у мелодик ташкил этилган ва ниҳоят «макромавзуйлик» хақида гапириш мумкин. Макромавзуйликнинг роли айниқса, асрнинг иккинчи ярми мусиқасида анча кучайди. Макромавзу бу ифодавийликнинг тури бўлиб, у маънога эга бўлган бирликка (смисловая единица) айланган.

XX аср биринчи ярми мусиқий шакллари.

Бу давр мусиқаси композицион схемалари кўпчилигининг анъанавийлиги билан бир қаторда уларнинг бир қдтор ўзига хосликларини хам айтиб ўтиш лозим: улардан фақат асар шакли сифатида эмас, балки макро ёки микрошакл кўринишида хам фойдаланиш мумкин. Мисол учун: Прокофьевнинг 5 қисмли Пб фортепиано концертида рондо бу циклни ташкил этиш шаклидир. (макросатх) ва «Золушка» да «Киш париси» сахнасида хам мавзу шакли рондодир (микросатх). Романтик аралаш шакллар_т эркин шакллар, қисмларнинг функцияларини ноанъанавий тақсимлаш хосдир.

Булардан ташқари, янги, индивидуал шакллар пайдо бўлади, аммо асрнинг иккинчи ярмидачалик эмас.

Анъанавий, типик шаклларни қўйидагиларга бўлиш мумкин;
а) — мумтоз — давр, содда ва мураккаб шакллар, рондо, вариациялар, соната ва туркум.

барокко — канон, фуга, кичик 2,3 ва қўпқисмли, қадимги соната ва қадимги концерт; романтик — аралаш, концентрик, қарама — қарши — тузилган, қўшиқ — куплетли. саҳна кўринишидаги — балет, опера. Вокал — хорли — кантата, реквием, месса.

Санаб ўтилганлар орасида жуда кенг тарқалган вариационликка диққатимизни қаратамиз.

. Необарокко тажрибалари асосида бас — остинатли вариациялар қайта туғилдилар (Шостакович, Берг, Веберн, Хинденит) ва фаол мавзуй ривожланишга эга бўлган эркин вариациялар хам (Шёнберг). Прокофьевнинг мавзунинг тўлиқ қайтарилишли, фактурали, тембрли ва қисмли (частично) гармоник ривожланишга эга бўлган вариацияларигина остинат шаклга ўсиб ўтадилар ва улар саҳна асарларида прострация, алахлаш, ғояга боғланиб қолиш ҳиссиётини уйготадилар.

Соната шакли ёзувнинг янги техникаларидан фойдаланади, мисол учун додекафон сериялилик билан (Шёнберг). Веберннинг 9 чолғу учун концертида серияликнинг сонаталик билан бирлашувида репризада ёндош мавзу—сериянинг транспозицияси йўқдир.

Жуда кенг тарқалган концентрик шакл ўзининг юқори конструктивлиги билан архитектоника, гармония, фактура, мавзудаги деструктив ўзгаришларга қарама — қарши туради.

Мазмун жи^{атдан} концентрик симметрия мантиқининг ривожи деб — ойнали — қисқиҷбақали (зеркально — ракоходная) шаклни олиш мумкин (Берг).

б) XX аср иккинчи ярмида ривожланишда давом этган новаторлик шакллари орасида Прокофьевнинг остинатли шаклларини мисол қилиб олиш мумкин. Улар орасида Яван

гамелани тамойили асосйдаги полиостинатли бир товушли, бир аккордли, бир ритмли инвенциядир. Вақтда ўралган (свёрнутая) (симультан) репризали шаклни Б.Барток киритди. Ва нихоят, макротематизм асосида қурилган шакллар пайдо бўла бошлайди (Айвз. «Жавобсиз қолган савол»).

Бу шаклларнинг ҳаммасидаги ички «ҳодисалар», ривожланиш турлари маълум бир ёзув техникасига тегишли бўлган мавзуйлик тури ёки улардаги маълум бир ифода воситасининг тутган ўрни билан аниқланади.

XX аср иккинчи ярми шакл ташкил этилиши ва шакллар типологияси.

XX асрнинг иккинчи ярми шакл ташкил этиш соҳасидаги новаторлик фаоллик билан тавсифланади. Бу жараёндаги муҳим ва доимий тамойилларни кўрсатиб ўтамиз. Биринчидан: бу — полипараметрик (В.Холопова атамаси) бўлиб, бунда ривожланиш асослари турли хил масштабларга эга, улар микро, макро вам ўрта (мидл) сатҳларда жойлашгандир. Ҳар бири ўз мавзуйлиги ва унга мос бўлган ривожланиш усулига эгадир. Айниқса, макросатҳ муқим аҳамият касб этади. Унда мавзу ролини ифодавийлик ва ёзув тури ўйнайди. Макросатҳ бир бутунлик драматургиясини ташкил этади ва бу В.Холоповага шаклнинг янги тури бўлган драматургия ҳақида сўз юритиш имконини берди. Шу билан бир қаторда драматургиянинг асосий турларини аниқлаш мумкин: қарама — қаршилик (конфликт, Шнитке), қарама — қаршиликсиз солиштирма (контраст, Шедрин, Б.Чайковский), замонавий адабиётдан олинган параллел драматургия (Канчелли), монодраматургия («Пианиссимо», Шнитке, Тертерян симфониялари). Бу давр асарлари орасида олдинги конструктив тамойилларга боғлиқ бўлган , асарлар ҳам сақланиб қолган. Мисол учун вариациялар шакли ўз

фаоллигини йўқотмайди. Бу шакл Р.Шедрин ижодида мухим ўрин эгалландир. Полифоник шакллардан прелюдиянинг кичик туркуми ва фуга, мустақил пьеса сифатидаги канон сақланиб қолган («Канон памяти С.Стравинского» Шнитке). Бу давр ижодиётида очик; шакллар мухим ўрин эгаллайдилар. Улар орасида:

а Ь с с! ... схемали репризасиз оралиқ (сквозная) шакл. Бу шаклни тавсифлаш учун экзистенциализм руҳидаги фалсафий тасаввурни асос қилиш мумкин, яъни: охирги мақсадни билмаган холда инсоният томонидан босиб ўтилаётган йўлни мисол қилиб олиш мумкин, Бундай мантиққа кўра пьеса сўнгида якуний таъкиддов бўлмаслиги керак (С.Губайдулинанинг скрипка вавиолончель учун «Радуйся» сонатаси); иккита материал ва макромавзунинг маротаба кетма —кет қайтарилишига асосланган альтернатив шакл. Схемаси қуидагича а Ь a^1 Ь 1 a^2 Ь 1 бу ерда одатда техникаларнинг қарама — қарши хоссалари қарама — қарши қўйилади. Мисол учун: колажлар алеаторикаси ва додекафония (Шнитке, кларнет, скрипка, контрабас ва зарбли чолғулар учун серенаданинг биринчи қисми),

Ва ниҳоят қисқа мавзуй формуланинг остинатли қайтарилишга асосланган шакл пайдо бўлади. Бу шакл маросим, зикр таассуротини беради. Уни микроостиатли шакл деб аташ мумкин (мисол — Тишенко «Ярославна» балетидаги «Затмение» сахнаси).

Юқорида кўриб ўтилган шаклларнинг хаммаси аниқ ифодаланган мавзуйликка асосланган баъзи бир холларда аниқ чегаралар ва интонацион доимийликка эга бўлмаса хам. Аммо XX аср мусиқасида материал ва унинг ривожи орасида мутлақо

бошқача боғланиш вужудга келади. Бу вазият мавзунинг танлови мусиқий ёзувнинг янги унсурлари билан боғлиқ бўлиб унга мос бўлган давомни талаб қилганда содир бўлади. Бу ерда танлов ва мослаштириш (сочетание) поэтик қонуни иш кўради. «Тенглик ўқининг ўриндошлиқ ўқига проекцияси, яъни мослашувга, товушқаторга проекцияси» мавжуддир (Р.Якобсон — Поэзия грамматики и грамматика поэзии).

Худди шу нарса анализ вақтида композициянинг универсад меъёрларидан эмас, балки мусиқанинг маълум бир замонавий ифодавийлиги кўринишининг қонуниятлари ва потенциал имкониятларидан келиб чиқиши керак деган фикрга олиб келади.

У холда додекафон — серияли, ритмик, линеар, сонор, сериал, полифоник шакл ташкил этишлар хақида сўз юритиш керак.

Додекафония 12 товушнинг қайтарилиши эмас, балки бирон бир товуш баландликлари комбинациясини ўз ичига олган серияни яратишни назарда тутади (секвентли қайтариш).

Серияни унинг ҳамма ўзгаришларида (қисқичбақали, мурожаат, қисқичбақали мурожаатлар) қайтаришувчи сегментларнинг тузилишидан аниқланса бўлади, ҳатто улар мурожаат ёки транспозицияда ўтказилса ҳам.

Серия келтирилаётган мазмун бу техникада бир текислилик ва органика тимсолларини яратиши мумкин.

Шакл ташкил этишнинг вақт бўйича параметри ривожланишнинг қуидаги усулларини назарда тутади: остинатлик, акцентли вариациялаш, цезура онларида инерциянинг бузилиши, хусусан, метринг ўзгарувчанлиги, вақтичалик вариациялаш, полиметрия усуллари, ритмик серия ва ҳ.к.

Ривожланган ритмик асос XX асрда ритмик шаклларнинг мустақил синфининг ташкил топишига олиб келди: остинатли, полиостиатли полиметрияли, остинатли — каноник ва бошқалар.

Шакл ташкил этйшнинг мелодик —линеар тамойили бир катор композиторлар мусиқасида ташкилий фактор бўлиб қолади. Биринчи навбатда булар: Стравинский, Прокофьев, Хиндемит, Барток, Дебюсси. Гаммасифат чизиқлилик тонларнинг куйли (мелодик) боғланишни таъминлаб беради ва очик ва мавхум қўринишларда қўлланилади. Бундай чизиқлилик қандайдир маънода мавзуйлик ва ундан ташқарида гармоник боғлиқликнинг йўқлигини тўлдириб туради. Стравинскийда бу универсал усул мавзуларнинг яратилишида ҳам, шаклнинг ўткинчи ва якуний кесмаларида ҳам ишлатилади. Катта сатҳда чизиқлилик (линеарность) товуш кенглигининг аста — секин ривожланиши билан боғланади ва у бутун бир фрагментга (мисол учун кода) ёки опера сахнасига асос бўлиши мумкин.

Сонорика асосида шакл ташкил этиш композициянинг ўлчов бирлиги сифатида мелодик мавзу эмас балки товуш бўёғи «сонор» олинишига боғлик.

Товуш ҳосил қилишнинг маълум бир усулидан (ёки усулларидан) фойдаланиб, уларнинг мослашишлари асосида жарангнинг тўлқинли ўсишларини ва пасайишларини тузиб, сонорика шу билан бирга ривожланган композицияни яратишга ҳам қодирдир. Бунга мисол қилиб Пендерецкийнинг «Грен» ини олиш мумкин.

Минимализм — 60 — 70 — йиллар америка композиторлик мактабида пайдо бўлган ижодий йўналишдир. Унинг асосида содда тузилишга эга бўлган минимал мусиқий материалдан кўп маротаба ҳар хил вариантларда қайтарилиши ётади. Материалнинг қисқалигига қарамай минималистик асар узоқ ижро этилиши мумкин. Минимализмнинг эстетик фикри сифатида авангард мусиқа ва тингловчининг қабул қилиши орасидаги узилишни йўқотиш эди.

Хуллас XX асрда яратилган асарларда бирон бир усулни тоза ҳолда қўллаш эмас, балки ташкилотнинг қўпосослилиги ташкил этади. Худди шу нарса композиторларш фикр ва ижроси бўйича оригинал бўлган асарларни яратипг имконини беради. Улар ўз шахсий танловлари ва ўйланмалари асосида асарлар яратадилар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Холопова В. Формъ! музшкапъныхх произведений. М., Лань, 2001
2. Когоутек Ц. Техника композиции в музыке XXв. М., 1976.
3. Холопова В.Н Музъсалъныштематизм. Научно-методический очерк.

М., ШЗ

4. Гончаренко С. Музмкальные формы XX века. Новосибирск., 1986.
 5. Лобанова М. Музъсалъныш отилш жанр, История и овременность.
- М.₅ 1990